

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент Кимё халқаро
университети ректор в.б.
А.Б.Аллакулиев

« ____ » _____ 2026 й.



«МАЪҚУЛЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси Олий
таълим, фан ва инновация вазирлиги
хузуридаги ОАК раиси
А.Т. Юсупов

« ____ » _____ 2026 й.

**08.00.08 – “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ”
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг
қарори билан тавсия этилган (_____, №____)

Тошкент – 2026

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 09.12.2022 йилдаги 3400-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида”ги буйруғида илмий тадқиқотларни ривожлантириш, сифати ва ҳажмини ошириш бухгалтерия ҳисоби ва аудит ихтисосликлари бўйича етакчи кадрларни тайёрлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича стратегик вазифалар белгилаб белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун молиявий ҳисоботларни халқаро даражада тузиш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4611 сонли Қарори молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг стратегик йўналишларини, шу жумладан инвесторларнинг ҳам, шунингдек халқаро принципларга мувофиқ молиявий ахборотларни солиштирилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда кенг жорий этишга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тўғри йўлга қўйиш ниҳоятда долзарбдир. Молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотлар иқтисодий моҳиятининг аниқ ва тушунарли бўлишини ҳамда унинг корхонадаги ролини, баҳолаш усуллари ва бошқа ҳисобот маълумотларининг бир-бири билан мутаносиблигини таъминлаш муҳим вазифалар қаторига киради. Молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини тасдиқлашда аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларини сифатли тузиш муҳим ўрин тутади.

Шу сабабли, 08.00.08-“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастурини тузишда муаллифлар гуруҳи юқорида қайд этилган талаблардан келиб чиқилди. Дастур талабгорларнинг бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид билимларини атрофлича тўғри баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.08-“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳонларга тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.

I. БЎЛИМ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ИСЛОҲОТИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар (счётлар) режаси ва уни такомиллаштириш йўлидаги изланишлар. Баҳолаш, унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тамойиллари. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг мақсади, вазифалари, турлари ва уни қўллашдаги муаммолар. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш истиқболлари. Хужжатлаштириш ва инвентаризация ҳамда уларни расмийлаштиришга қўйилган замонавий талаблар. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шакллари, уларни такомиллаштириш истиқболлари.

Бухгалтерия ҳисоби предметининг замонавий таърифи. Бухгалтерия ҳисобининг моҳияти ва асосий вазифалари. Ўзбекистон Республикасида ҳисоб сиёсати ва унинг аҳамияти. Ҳисоб сиёсатининг ўрни ва уни халқаро стандарт талаблари асосида такомиллашуви. Хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишни услубий асосларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва уларнинг аҳамияти. Бухгалтерия ҳисоби объектлари ва уларни туркумлаш. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби методи ва унинг асосий элементларининг турлича талқини. Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларини такомиллашуви. Молиявий ҳолат тўғрисида (Бухгалтерия баланси)ги ҳисобот ва унинг моҳияти, моҳияти ҳамда такомиллаштириш масалалари. МҲХС асосида “Ҳисоб сиёсати”ни ишлаб чиқиш.

Бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот, унинг моҳияти ва аҳамияти. Молиявий ҳисоботни тузишнинг концептуал асослари. Ҳисобот турлари ва уларнинг мазмуни. Замонавий бошқарув тизимида молиявий ҳисоботнинг тутган ўрни, моҳияти ва унга қўйилган талаблар. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчиларни гуруҳлаштириш ва уларнинг ахборотдан фойдаланиш йўналишлари. Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб беришда бухгалтерия ҳисобининг роли. Фермер хўжаликларида соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш. Касаначилик иш ўринларини очган корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жихозлашда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масалалари. Иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобининг счётларида акс эттириш ва уни такомиллаштириш. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш. Молиявий ҳисоб тўғрисида тушунча ва унинг асосий тамойиллари. Бошқарув ҳисоби ва унинг элементлари. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрирдаги) ва унга айрим шарҳлар. Банкрот корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва унинг молиявий ҳисоботини тузиш масалалари. Корхоналарнинг ўзаро бирлашишини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттиришнинг хусусиятлари. Консолидациялашган

(умумлаштирилган) молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал масалалари.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бухгалтерия ҳисобини юритиш хусусиятлари. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг халқаро стандартлар (МХХС) билан боғлиқлиги.

2-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТНИНГ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ТУШУНЧАЛАРИ

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тушунчаси ҳамда унинг аҳамияти. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади ва вазифалари. Тадбиркорлик субъектларининг турлари. Ташқи ва ички фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларнинг аҳамияти. Акциядорлар ва ҳиссадорларнинг эҳтиёжларида молиявий ҳисоботларнинг ўрни. Молиявий ҳисоботларнинг тамойиллари. Корпоратив бошқарув тизимининг вазифалари ва жавобгарлиги. Молиявий ҳисоботларнинг асосий элементлари. Норматив – ҳукукий база (қонун ва тартибга соливчи меъёрий ҳужжатлар). Бухгалтерия ҳисоби стандартларининг долзарблиги, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Молиявий маълумотлар тушунчаси ва уларнинг вужудга келиш тарихи. Бухгалтерия ҳисоби стандартларининг концептуал асослари, Молиявий маълумотларнинг сифат хусусиятлари. Молиявий маълумотларнинг сифат хусусиятларини ошириш. Бухгалтерия ҳисобининг бошқа концепциялари. Молиявий маълумот турлари. Молиявий маълумотларни қайта ишлаш тизими. Синов балансининг тузилиши ва унинг аҳамияти. Синов балансини тайёрлаш тартиби. Фойда ва зарарлар ҳисоботини тузиш. Молиявий ҳолатлар ҳисоботини тузиш. Балансда счётларнинг тенглиги ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.

Сотишдан олинadиган солиқларнинг моҳияти ва уни йиғиш усуллари. Сотишдан олинadиган солиқларни ҳисобга олиш тартиби. Сотилган товарлар қийматини ҳисоблаш. Товар моддий захираларнинг давр бошига ва охирига қолдиғини ҳисобга олиш. Товар моддий захиралар турлари ва уларни баҳолаш тартиби. Товар моддий захираларни ҳисобга олиш. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандарти асосида Товар моддий захиралини юритиш. Ҳисоб китоблар ва олдиндан тўловлар тушунчаси. Ҳисоблаш ва олдиндан тўловларга мос келадиган концепциялар. Ҳисоблаш учун зарур тузатишларни аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузишда олдиндан туловларни ҳисобга олиш. Ҳисоб-китобларни тўғрилаш жараёнлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш. Ҳисоб-китобларни журнал ва дафтар ёзувларини тайёрлаш. Ҳисоб китоб ва олдиндан туловларда фойда ва соф активларни таъсирини аниқлаш. Умидсиз қарзлар ҳисобининг мазмуни ва моҳияти. Умидсиз қарзларни қайд қилиш. Дебиторлик қарзлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш. Дебиторлик қарзларни бош китобда акс эттириш. Дебиторлик қарздолик учун захиралар ҳисоби. Шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобга олиш. Қарздорликларни молиявий ҳисоботда очиб бериш тартиби. Бухгалтерия ҳисобининг № 37 сонли халқаро стандартига асосан захиралар, шартли мажбурият ва шартли активларни юритиш қоидалари.

Счётлар назорати. Чегирмалар. Назорат счётларини ишлаш механизмлари. Назорат счётларининг мақсади. Чегирмаларнинг турлари. Чегирмаларни ҳисобга олиш. Мол етказиб бериувчилар билан ҳисоблашишлар. Назорат счётларини киритиш. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича назорат счётларини таққослаш ва келишувларни дафтарларда акс эттириш. Касса китоба ва банк операциялари ҳисоби. Банк билан битим ва уларни ҳисобини юритиш. Бухгалтерия ҳисобида хатоларнинг турлари. Хатоларни тузатиш.

Хатоларни журналларда акс эттириш.

2-МАВЗУ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР ҲИСОБИ.

Узоқ муддатли ва жорий активлар тушунчаси. Капитал ва тушум сарфлари. Асосий воситалар ҳисобини халқаро бухгалтерия стандарти №16 бўйича ҳисобга олиш. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари. Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш. Узоқ муддатли активларни ҳисобдан чиқариш. Молиявий ҳисобот маълумотларини ошкор қилиш ва тақдим этиш. Активлар реестри ва унинг мақсади ва вазифалари.

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этишда халқаро стандартлар (МҲХС-16)ни қўллаш масалалари. Асосий воситаларнинг замонавий таърифи, уларни туркумлаш ва баҳолашнинг турлича талқини. Асосий воситаларни қабул қилиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Амортизация ҳисоблаш усуллари ва уни қўллашдаги айрим муаммолар. Амортизация сиёсатининг маҳсулот таннархини камайтиришга таъсири. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, реализация қилиш ва бошқа чиқиб кетишларининг ҳисоби. Асосий воситалар бўйича дастлабки ҳужжатларни такомиллаштириш. Асосий воситалар аналитик ҳисобининг муаммолари. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби. Асосий воситалар инвентаризацияси, уни натижаларини расмийлаштириш тартиби. Асосий воситаларни ижарага бериш турлари, уларни ижарачи ва ижарага берувчидаги ҳисоби. Ижара турлари. Ижара операциялари ҳисобини такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш ҳисоби. Корхоналарни модернизация қилиш харажатлари ҳисоби. Хўжалик субъектларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш харажатлари ҳисоби муаммолари. Инновацион фаолият ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари.

Номоддий активлар тушунчаси. Номоддий активларни турлари. Тадқиқот ва ишланмалар харажатлари. Номоддий активларни № 38 сонли халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида ҳисобга олиш. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни вужудга келиши. Илмий тадқиқот ва ишланмалар харажатларини ҳисобга олиш. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари. Номоддий активларни қайта баҳолаш. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби.

Ўзбекистонда номоддий активлар ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Номоддий активлар ҳисобини юритишда халқаро тажрибадан фойдаланиш (МҲХС-38). Номоддий активлар ҳақида тушунча, уларни гуруҳлаш ва баҳолаш муаммолари. Номоддий активларни тан олиш шартлари. Интеллектуал мулкларни баҳолаш усуллари. Номоддий активларни қабул қилиш ва уларнинг ҳаракатининг ҳисоби. Номоддий активлар бўйича амортизация суммасини ҳисоблаш усуллари ва тартиби. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш, сотиш ва бошқа чиқиб кетишлари ҳисобини такомиллаштириш. Гудвиллни ҳисобга олиш тартиби.

3-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС-32) асосида инвестициялар ҳисобини ташкил этиш масалалари. Молиявий инвестициялар тушунчасининг замонавий таърифи, унинг туркумланиши ва баҳоланиши. Акцияларнинг бозор қиймати ва реал қийматини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш. Молиявий инвестицияларнинг айрим турлари баҳоланишидаги ўзгаришлар тартиби. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳисобини ташкил этиш усуллари. Давлат ва маҳаллий заём облигациялари ҳисоби. Корхона, банк ва бошқа эмитентлар акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар ҳаракати ҳисоби. Хусусий инвестиция фондлари

ҳақида тушунча ва унинг ҳисоби. Фонд бозорларида йирик компаниялар акциялари ҳаракатининг ҳисоби муаммолари. Акциялар дивидендлари ҳисобини юритиш тартиби.

4-МАВЗУ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР (ТМЗ) ҲИСОБИ

Товар моддий заҳиралар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартиби. ТМЗни ҳисобга олишда МҲХС-2 га асосланиш. ТМЗ тушунчаси, уларнинг туркумланиши ва уларни амалиётда қўллаш муаммолари. ТМЗнинг баҳоланиши. ТМЗни баҳолаш усуллари (ФИФО, АВЕКО). Ташқи иқтисодий фаолият шартномалари бўйича келиб тушадиган ТМЗни баҳолаш ва ҳисобга олиш. ТМЗ бўйича эгри харажатлар ва уларни тақсимлаш тартиби. ТМЗни ишлаб чиқаришга сарфланиши ҳисоби. ТМЗни сотиш ва бошқа чиқиб кетишини ҳисоби. Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари тушунчаси, туркумланиши ва уларни ҳисобга олиш хусусиятлари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида материалларни алмаштириш ҳисоби. ТМЗни даврий баҳолаш ва уни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар таркибини такомиллаштириш масалалари. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари ва уларни такомиллаштириш истиқболлари. Меҳнат ва иш ҳақи бўйича расмийлаштирилаётган дастлабки ҳужжатлар ва уларни умумлаштириш тартиби. Иш вақтидан фойдаланиш ҳисобини такомиллаштириш. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш. Меҳнат ва иш ҳақи синтетик ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш. Иш ҳақидан ушланмалар ҳисобини такомиллаштириш тартиби. Ягона ижтимоий тўловлар бўйича ҳисоблашишлар ҳисобини такомиллаштириш. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳисобини такомиллаштириш.

5-МАВЗУ. МАҲСУЛОТ, ИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СОТИШ ҲИСОБИ

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш тартиби. Тайёр маҳсулотни баҳолаш муаммолари. Жўнатиш товарлар, хизмат ва бажарилган ишларни ҳисоби. Тайёр маҳсулотни жўнатиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва уни такомиллаштириш. Тайёр маҳсулот бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни юритиш. Маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар реализацияси ва уни белгилашнинг касса ҳамда ҳисоблаш (методи) усуллари. Ҳисоблаш усулини қўллашдаги муаммолар. Тижорат харажатлари ҳисоби. Товар айланмаси ҳисоби ва унинг муаммолари. Савдо устамаси ҳисоби. Консигнация асосида амалга оширилаётган операциялар ҳисоби. Экспорт-импорт операцияларининг ҳисоби. Комиссия бўйича товарларни сотиш ҳисобини муаммолари. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва валюта алмашув курсидаги фарқларни акс эттириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот ва товарлар экспорти ва импортини ҳисобини ташкил этилиши.

Корхоналарнинг ҳўжалик алоқалари ва ҳисоб-китоб муносабатлари. Миллий валютадаги пул маблағлари ҳисоби. Хорижий валютадаги пул маблағлари ҳисоби. Касса операцияларини юритиш тартиби. Ҳисоб-китоб счёти бўйича операцияларнинг ҳисоби. Валюта маблағларининг ҳисоби. Пул ҳужжатлари ҳисоби. Йўлдаги пул маблағлари ҳисоби. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича муаммолар. Курс тафовути тушунчаси ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш. Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб, улар бўйича қарздорликни камайтиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва роли.

6-МАВЗУ. МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ

Мажбуриятлар ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини жорий этиш муаммолари. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар. Олинган ва берилган бўнақлар. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни бухгалтерия ҳисобида юритиш. Дебитор қарздорликни баҳолаш ва уни молиявий натижаларга таъсири. Даъволар ва моддий зарарни қоплаш юзасидан ҳисоблашишлар ҳисобини такомиллаштириш. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби. Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар ҳисоби. Филиаллар ва шўба корхоналар билан ҳисоблашишлар ҳисоби. Қўшма корхоналар фаолияти бўйича операциялар ҳисоби. Умумдавлат солиқлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини такомиллаштириш. Маҳаллий солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини такомиллаштириш. Хўжалик юритувчи субъектларда ягона солиқ тўловини ҳисобга олиш хусусиятлари. Ижтимоий инфратузилмага ажратмалар ҳисоби муммолари. Мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқишнинг зарурияти. Банк кредитларининг турлари ва уларни ҳисобга олиш тартиби. Банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисоби бўйича муаммолар. Банкнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобини такомиллаштириш. Банк ссудалари бўйича фоизларни ҳисобга олиш тартиби.

Қарз маблағларининг турлари ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш. Қарзлар бўйича фоизларни ҳисобга олиш тартиби. Банк кредити фоизларини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳисоби. Тижорат банклари балансига ночор корхона активларини ўтказиш муаммолари.

7-МАВЗУ. ДАРОМАД

Корхона томонидан даромадни тан олишдан олдин жавоб берадиган критерияларни баҳолаш. Харидор билан тузилган шартнома бўйича даромад билан боғлиқ беш босқичли модел. Шартнома харажатларини актив сифатида тан олиш мезонлари. Маълум бир вақт давомида мажбуриятларни бажаришдан олинadиган даромадларни ўлчаш ва тан олиш. Қайтариб олиш шарти билан сотиш. Кафолатлар. Сотувчи ва диллер. Қайтарилмайдиган олдиндан тўловлар.

Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад. Даромадни баҳолаш. Шартнома бўйича активлар. Операцияларни аниқлаш. Товарларни (маҳсулотлар) сотиш. Хизматларни кўрсатиш. Фоизлар. Роялти. Дивидендлар. Шартнома бўйича мажбуриятлар. Харидорлар. Даромад. Тушум. Шартномаларни идентификация қилиш. Шартномаларни умумлашириш. Шартномаларни модификациялаш. Мажбуриятларни бажариш. Харидорлар билан шартномалар бўйича келишувлар. Алохида товарлар ва хизматлар. Мажбуриятларни бажарилишини баҳолаш. Операциялар қийматини баҳолаш. Шартномаларни молиялашириш. Шартнома бўйича харажатлар.

8-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР

Молиявий натижаларнинг ташкил топиши, тузилиши ва шаклланиш тартиби. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларини аниқлаш ва уни ҳисобда акс эттириш. Бошқа сотишлардан кўрилган молиявий натижалар ҳисоби. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар ҳисоби. Инвестицион фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби. Тақсимланмаган фойда (зарар) бўйича операциялар ҳисоби. Улуш ва акцияларга қўйилган даромадлар бўйича муассасалар билан ҳисоб-китоб бўйича

муаммолар. Бошқа активлар реализацияси ҳисоби. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи транзит счётларни такомиллаштириш масалалари.

Акциядорлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш муаммолари. Устав капитали ва қўшилган капитал ҳисоби. Резерв капитали ҳисоби. Хусусийлаштирилган корхонада устав капитали ҳисоби. Акциядорлик капитали ҳисоби муаммолари. Устав капиталига қўйилган улушлар ҳисоби. Аукцион ва танловда мулкни сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳисоби. Бошқа корхоналардан тушган маблағлар ҳисоби. Давлат грант ва субсидиялари ҳисоби. Турли манбалар ҳисобидан молиялаштиришлар ҳисобини такомиллаштириш. Дивидендларни ҳисоблаш усуллари, улардан фойдаланиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муаммолари. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобини такомиллаштириш. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот тушунчаси ва тузилиши. Фойда ва пул оқимларини фарқлаш. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг молиявий ҳисоботлари фойдаланувчилари учун афзалликлари ва камчиликларини тан олиш. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот учун зарур бўлган рақамларни ҳисоблаш. Билвосита ва тўғридан-тўғри усулдан фойдаланган ҳолда операцион фаолиятдан олинган пул оқимларини ҳисоблаш. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни ва/ёки берилган маълумотлардан кўчирмаларни тайёрлаш Бухгалтерия баланси моддаларида тенглик қоидалари. Тўлиқ бўлмаган қайдлар ҳолатида усулларни қўллаш. Бизнесда бухгалтерия счётларининг формулалари. Қарзга сотиш ва дебиторлик қарзлари. Сарфлар ва савдо мажбуриятлари. Сотиш харажатларини аниқлаш. Йўқолган ва ўғирланган товарлар ҳисоби. Касса китоби. Олдиндан туловлар ва ҳисоблашишлар. Маъсулияти чекланган ва уларда бухгалтерия ҳисоби. Устав капитали. Захиралар. Маъсулияти чекланган жамиятлари бухгалтерия ҳисобида бош китоб. Бонус ва ҳуқуқлар буйича муаммолар. Шуъба корхоналар тўғрисида тушунча. Шуъба корхоналарида ҳисоб тизими. Ассоциациялар. Консалидацияланган молиявий ҳисоботнинг мазмуни. Консалидацияланган молиявий ҳисоботнинг асосий қоидалари. Ассоциация корхоналарида инвесторлар. Консалидация процедуралари тўғрисида тушунча. Гудвил бўйича содир бўладиган маълумотларни консалидация ҳисоботида акс эттириш. Гуруҳ ичидаги савдо ва тушумлар. Назорат қилинмайдиган манфаатлар. Йил давомида шуъба корхонанинг қисмларни харид қилиш. Молиявий ҳолат тўғрисидаги консалидацияланган ҳисобот. Фойда ёки зарар ва бошқа умумий даромадлар тўғрисидаги консалидация ҳисоботи.

Молиявий ҳисоботларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш, бизнес муҳитида қандай қўлланилишини тавсифлаш. Коэффициентлар мақсади ва уларнинг тушунчаси. Асосий бухгалтерия коэффициентлари, яъни рентабеллик, ликвидлилик, самарадорлик ва ҳолатлар ўртасидаги муносабатларни ҳисоблаш ва уларнинг изоҳи. Коэффициентлар орасидаги ўзаро боғлиқликлар тушунчаси. Молиявий ҳисоботдаги маълумотлардан асосли хулосалар чиқариш.

Молиявий ҳисоботлар шакллари ва уларнинг моҳияти. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот. Фойда ёки зарарлар ва бошқа умумий даромадлар тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал ва ундаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар. Ички мақсадлар учун корхонани ҳисоб тизими. Бухгалтерия ҳисобини №18 сонли халқаро стандартига асосан даромадларни ҳисобга олиш. Бухгалтерия ҳисобини №10 сонли халқаро стандартига асосан ҳисобот давридан кейинги ходисаларни ҳисобга олиш. Бухгалтерия ҳисобини №7 сонли халқаро стандартига асосан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот тузишнинг асосий тамойиллари ва унга қўйиладиган замонавий талаблар. Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни. Молиявий ҳисобот моддаларини баҳолаш тартибининг муаммолари. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот шаклларини такомиллаштириш. Молиявий ҳисоботнинг элементлари ва уларни баҳолаш тартиби. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳолат тўғрисидаги (Бухгалтерия баланси) ҳисобот. Ялпи даромадлар тўғрисидаги (Молиявий натижаларни шакллантириш) ҳисобот. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар, тушинтириш хатлари ва маълумотномалар. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни МХХС асосида такомиллаштириш. Статистика, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон шаклида тақдим этиш ва уни такомиллаштириш масалалари

9-МАВЗУ. МАТЕРИАЛЛАР, МЕҲНАТ ВА УСТАМА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Материалларни ҳисобга олиш. Материалларни буюртма қилиш, қабул қилиш ва бериш учун зарур бўлган турли хил процедуралар ва ҳужжатларни тавсифи. Номувофиқликлар ва йўқотишларни минималлаштириш учун ишлатиладиган назорат тартиблари. Материаллар инвентаризацияси ҳисобидаги ёзувлар ва қолдиқлари. ЛИФО, ФИФО ва ўртача усуллардан фойдаланган ҳолда инвентар ва моддий масалаларни ёпиш қийматини ҳисоблаш. Меҳнатни ҳисобга олиш. Тўғридан-тўғри ва билвосита меҳнат харажатларини ҳисоблаш. Меҳнат харажатлари киритиш ва чиқишларини қайд қилиш учун журнал ва бухгалтерия ёзувларини тайёрлаш. Иш ҳақини тўлашнинг турли усулларини тавсифлаш: вақтга асосланган тизимлар, тўлиқ иш тизимлари ва индивидуал ва гуруҳли рағбатлантириш схемалари. Меҳнат айланмасининг харажатлари ва сабабларини таҳлил қилиш. Меҳнат унумдорлиги, қувват ва ишлаб чиқариш ҳажми нисбатларини ҳисоблаш. Меҳнат ҳисобидаги ёзувларни қайд қилиш. Устама харажатларни ҳисобга олиш. Тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларнинг турлича муносабатини тушунтчаси. Ишлаб чиқаришга устама харажатларни ютиш ставкаларини аниқлаш билан боғлиқ жараёнларни тавсифлаш. Тегишли асосдан фойдаланган ҳолда харажатлар марказларига ишлаб чиқаришнинг устама харажатларини тақсимлаш. Хизмат кўрсатиш марказлари харажатларини ишлаб чиқариш харажатлари марказларига қайта тақсимлаш (шу жумладан, хизмат кўрсатиш харажатлари марказлари ўзаро та'сир қилиш усулидан фойдаланган ҳолда). Чиқарилган ва ўзлаштирилган ишлаб чиқариш харажатлари учун журнал ва бухгалтерия ёзувларини тайёрлаш.

10-МАВЗУ. ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ.

Хизмат ва маҳсулотларни таннархини ҳисоблаш. Хизмат ва маҳсулотларни таннархининг хусусиятларини тавсифлаш. Хизмат ва маҳсулотлар харажатларини қўллашнинг мақсадга мувофиқ бўлган вазиятларни тавсифлаш. Хизмат ва маҳсулотлар нархини ҳисоблаш ҳолатларида харажатлар ёзувлари ва ҳисобларини тайёрлаш. Берилган маълумотлардан хизмат ва маҳсулотлар харажатларини белгилаш. Жараёнли усулда таннархни ҳисоблаш. Жараёнли усулнинг таннархининг хусусиятларини тавсифлаш. Жараёнли усулда харажатларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган вазиятларни аниқлаш. Оддий ва нормал йўқотишлар ва ғайритабиий даромадлар тушунчаси. Технологик маҳсулот

бирлигига сарфланган харажатларни ҳисоблаш. Қўшимча маҳсулотлар ва қўшма маҳсулотларни ажратиш нуқтасида баҳолаш. Фаолиятга асосланган харажатларни ҳисоблаш (ABC), мақсадли харажат, ҳаёт цикли таннархини ва умумий сифат менежментини (TQM) муқобил харажатларни бошқариш усуллари.

ABC, мақсадли харажат ва ҳаёт цикли харажатларини анъанавий харажатларни ҳисоблаш усулларида фарқланиши.

11-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ.

Бюджетлаштиришнинг моҳияти ва мақсади. Ташкилотларнинг бюджетдан фойдаланишининг зарурати. Ташкилотда режалаштириш ва назорат қилиш циклини тавсифлаш. Бюджет тузиш жараёнида қўлланиладиган ма'мурий тартиб-қоидалар. Бюджетлаш жараёнининг босқичларини (шу жумладан тегишли ма'лумотлар манбалари, бюджет лойиҳаларини режалаштириш ва келишиш, башорат қилиш мақсади ва уларнинг бюджетлаштириш билан қандай боғланиши) тавсифи. Бюджетни тайёрлаш. Бюджетни тузишда асосий бюджет омилининг аҳамияти. Савдо бюджетларини тайёрлаш. Функционал бюджетларни (ишлаб чиқариш, хомашёдан фойдаланиш ва харидлар, ишчи кучи, ўзгарувчан ва қат'ий қўшимча харажатлар) тайёрланиши. Нақд пул бюджетларини тузиш. Асосий бюджетларни тайёрлаш (фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот).

12-МАВЗУ. КАПИТАЛНИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОҚИМЛАРИ

Капитал қўйилмаларни режалаштириш ва назоратнинг аҳамияти. Капитал ва даромад харажатларини аниқлаш ва фарқлаш. Қўриб чиқилиши керак бўлган масалаларни ва капитал харажатлар бюджетини тузиш босқичларини белгилаш. Оддий ва мураккаб фоизлар, номинал ва самарали фоиз ставкалари ўртасидаги фарқи. Компонентлаш ва дисконтлаш тушунчаси. Пул оқими ва фойда ўртасидаги фарқни ва пул оқимининг капитал қўйилмаларни баҳолашга алоқадорлиги. Шахсий инвестиция қарорлари учун тегишли пул оқимларини аниқлаш ва баҳолаш. Дисконтланган пул оқимининг соф жорий қиймати (NPV) ва ички даромад даражаси (IRR) усуллари тушунчаси. Аннуитет ва абадийлик формулалари ёрдамида жорий қийматни ҳисоблаш. NPV, IRR ва тўловни ҳисоблаш (чегирмали ва дисконциз). NPV, IRR ва инвестиция ҳаётийлигини қоплаш ҳисоб-китоблари натижаларини шарҳлаш.

13-МАВЗУ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИДА КЎРСАТКИЧЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ.

Молиявий кўрсаткичларни мақсади ва уларнинг иш фаолиятини баҳолашдаги ўрни. Стратегик ва оператив-тактик кўрсаткичларни мақсади ва уларнинг фаолиятини баҳолаш. Иқтисодий ва бозор шароитларни самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш. Давлат бошқарувининг иш фаолиятини бошқаришга таъсири. Қисқа ва узоқ муддатли фаолият ўртасидаги боғлиқлик.

Самарадорлик кўрсаткичларининг умумий кўриниши. Миссия баёнотларининг мақсади ва уларнинг самарадорликни баҳолашдаги роли. Стратегик ва тактик мақсадлар ва уларнинг самарадорликни ўлчашдаги роли. Молиявий (рентабеллик, ликвидлик, савдо ва фаоллик) ва молиявий бўлмаган кўрсаткичларни ҳисоблаш. Молиявий бўлмаган кўрсаткичларни баҳолашнинг аҳамияти. Кўрсаткичларни баҳолашда таққослаш

таҳлилининг ўрни. Самарадорлик, имкониятлар ва фаолият коэффициентларининг мазмуни. Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида иш сифатини баҳолаш. Муайян вазиятларда кўрсаткичларни баҳолаш.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндошувлар. Бошқарув ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби тизимида тутган ўрни. Харажатлар бўйича ҳисоб регистрларининг юритилиши. Харажат марказлари ва моддий жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобни ташкил қилиш тартиби. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва унинг аҳамияти. Ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларни тежаш бўйича ташкилий ишларни ҳисоби, маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Унумсиз харажатлар ҳисоби. Харажат элементлари ва уларнинг тавсифи, давр харажатлари ҳисобини юритиш. Электр ва энергия ресурсларидан фойдаланишни ҳисоби ва тежамкорлик бўйича бажариладиган ишларни бизнес-режасини ташкилий масалалари. Иссиқлик энергиясини жаҳон стандартлари даражасида қисқартиришнинг самарасини аниқлаш ва бошқарув ҳисобида унинг ўрни. Маҳсулот таннархини камайтириш йўллари ва уларнинг бошқарув ҳисобига таъсири. Табиатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш харажатлари ҳисоби муаммолари. Экологик харажатлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари тўғрисида тушунча. Таннарх аниқлашнинг оддий, буюртмалар, босқичлар ва норматив усули ва уни такомиллаштириш бўйича изланишлар. Таннарх аниқлашнинг "Директ-костинг" усулининг таърифи. Маҳсулот ишлаб чиқаришда зарарсизлик нуқтасини аниқлаш. Бошқарув ҳисоби маълумотлари ва улардан фойдаланиш. Бошқарув ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларини гуруҳлаш тартиби. Бошқарув ходимлари учун бухгалтерия ҳисоби ва унинг маълумотларининг зарурийлиги ва ундан фойдаланишнинг аҳамияти. Ишлаб чиқаришдаги умумий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш. Бошқарув қарорларини қабул қилишида бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ўрни. Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш. Трансферт баҳони шакллантириш муаммолари. Корхонанинг сегментар ҳисоботи. Инвестиция бўйича қарор қабул қилишида бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти. Бошқарув ҳисобида логистик харажатлар ҳисобини юритиш. Реконструкция харажатлари ҳисобини юритиш. Бошқарув ҳисобида стратегик режалаштириш. Бошқарув ҳисобига йўналтирилган янги инновациялар. Бошқарув ҳисобини амалий ташкил қилиш муаммолари. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини келиб чиқиш тарихи ва уни ривожланиш эволюцияси. Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг эталонни: USGAAP, IFRS, IAS. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Қўмита (Фонд) мақсади ва унинг вазифалари. Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан "Халқаро молиявий архитектурани мустаҳкамлаш" мақсадида БҲҲС қўллаб-қувватлаши. МҲҲСҚ Васийлари томонидан Устав қайта кўриб чиқилиши ва МҲҲС Фонди номини тўлиқ шакллантирилиши. МҲҲСҚ томонидан янги таҳрирдаги стандартларни қабул қилиниши. МҲҲС Қўмитасининг ташкилий тузилиши. БМТ (УНО) қошидаги "Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи" Иқтисодий ҳамкорлик ривожланиш ташкилоти (ОЕСД). Европа иттифоқи (EUROPEAN UNION). Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC). Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия (ИОССО). МҲҲС таркиби ва уни қўллаш тартиби. Ўзбекистон МҲҲСларини жорий этиш истикболлари. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари: Континенталь модел. Британ-америка модели. Жанубий америка модели. АҚШ бухгалтерия ҳисоби тизими. "Молиявий ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиш бўйича Кенгаш" (FASB) ва "Америка дипломли бухгалтерлар-аудиторлар институти" (AICPA).

Буюк Британия бухгалтерия ҳисоби тизими. Голландияда ҳисоб ва ҳисоботга қўйилган умумий талаблар. Германия бухгалтерия ҳисоби тизими. Франция бухгалтерия ҳисоби тизими. Италияда бухгалтерия ҳисоби тизими. Россия Федерацияси бухгалтерия ҳисоби тизими Шарқий Европа давлатларида бухгалтерия ҳисоби. Япония бухгалтерия ҳисоби тизими (JICPA). Хитой бухгалтерия ҳисоби тизими. Жанубий Кореяда бухгалтерия ҳисоби тизими (KFAS). Шарқий Осиё давлатларида бухгалтерия ҳисоби тизими. Марказий Осиё давлатларидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини IFRSга мувофиқлаштириш. Бухгалтерия ҳисоби моделларининг Ўзбекистон бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришдаги аҳамияти.

14-МАВЗУ. ХОДИМЛАРНИ РАВБАТЛАНТИРИШ

Ходимларга бериладиган қисқа ва узоқ муддатли имтиёзлари ва рағбатлари ҳисоби. Бериладиган ёрдамлар режалаштирилган меҳнат таътили ва нафақаларни ҳисобини юритиш. Ишдаги қисқартиришлар ва келишувлардаги даромад ва зарарлар ҳисоби. “Ходимларни рағбатлантириш (даромадлари)” 19-сон БҲҲСнинг мақсади ва фаолият доираси. Ходимларнинг даромадлари. Ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари. Бандликдан-сўнгги нафақалар. Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари. Ишдан бўшатиш нафақалари. Соф белгиланган нафақалар бўйича мажбурият (актив). Белгиланган нафақалар бўйича мажбуриятнинг келтирилган (дисконтланган) қиймати. Ходимларнинг узоқ муддатли даромадларини тўлаш бўйича фонд эгалик қиладиган активлар. Маълум талабларга жавоб берадиган суғурта полиси. Ходимларнинг барча қисқа муддатли даромадлари. Қисқа муддатли ишламаган вақт учун тўловлар. Фойдада-қатнашиш ва мукофот тизимлари. Кўп сонли иш берувчилар тизимлари. Суғурталанган нафақалар

15-МАВЗУ. АКЦИЯГА АСОСЛАНГАН ТЎЛОВ

Акцияга асосланган тўлов муомалаларини тан олиш ва уларнинг ҳисоби. “Акцияга асосланган тўлов” 2-сон МҲҲСнинг мақсади ва фаолият доираси. Тан олиш. Улушли инструментда ҳисобланадиган акцияга асосланган тўлов операциялари. Хизматлар қабул қилинадиган операциялар. Корхона учун хизматлар. Такдим этиладиган молиявий инструментларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш. Ҳуқуқларнинг ўтиш шартларини ҳисобга олиш. Пул маблағлари кўринишида акцияларни тўлаш. Акцияларга тўловларни ҳисоблашда солиқлар. Такдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳоланган операциялар. Улушли инструментлар такдим этилган шартларнинг ўзгариши, шу жумладан бекор қилишлар ва ҳисоб-китоблар. Пул маблағида ҳисобланадиган акцияга асосланган тўлов операциялари.

16-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР

Молиявий инструментларни такдим этиш. Молиявий актив. Молиявий мажбурият. Улушли инструмент. Ҳаққоний қиймат. Қайта сотиладиган инструмент. Молиявий инструментларни тан олиш ва баҳолаш. Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати. Самарали фоиз ставкаси. Қатъий келишув. Режалаштирилган операция. Амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активлар бўйича қадрсизланиш ва умидсиз қарзлар. Хежлаш инструментлари. Молиявий активлар ва мажбуриятлар классификацияси. Баҳолаш.

17-МАВЗУ. ГУРУҲЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

Гуруҳлашган молиявий ҳисобот тушунчаси. Гуруҳлашган молиявий ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятлари. Бош корхона. Шўъба корхона. Гуруҳлашган молиявий ҳисоботни тузиш тамойиллари. Гуруҳлашган молиявий ҳисоботни элементлари ва иштирокчилари. Гуруҳлашган молиявий ҳисобот шакллари. Гуруҳлашган молиявий ҳисоботни қайта шакллантириш ва реструктуралаш. Гуруҳ таркибидаги ўзгаришлар. Босқичма-босқич бирлашишга эришилган корхоналарни бирлаштириш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби тамойиллари. Назоратнинг йўқолиши ва эгалик қилиш фоизидаги ўзгаришларнинг оқибатлари. Фаолияти тўхтатилган ёки сотиб олинган ёки давр ичида тасарруф қилинган бўлса гуруҳ молиявий ҳисоботларини тайёрлаш. Кейинчалик сотиб юбориши асносида эгалик қилинаётган қарам хўжалик жамиятлари ҳисоби. Назоратнинг йўқолиши. Назорат қилинмайдиган улуш. МҲХС 5 Сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тўхтатилган фаолиятлар.

18-МАВЗУ. ҲАҚҚОНИЙ ҚИЙМАТНИ БАҲОЛАШ

“Ҳаққоний қийматни баҳолаш” 13-сон МҲХСнинг мақсади ва қўллаш доираси. Ҳаққоний қийматни таърифи. Актив ва мажбурият. Операция. Бозор иштирокчилари. Нарх. Номодиявий активларга нисбатан қўллаш. Мажбуриятларга ва тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментларига нисбатан қўллаш. Мажбуриятларни бажармаслик rischi. Бозор riskлари ёки контрагент кредит riskидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳолатларига эга молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллаш. Баҳолаш усуллари. Ҳаққоний қийматнинг иерархияси.

19-МАВЗУ. БИЗНЕСНИ БИРЛАШТИРИШ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШ.

Бизнесни бирлаштириш жараёнида молиявий ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар. Бизнесни бирлаштиришнинг энг муҳим сабаблари. Сотиб олувчи томон сотиб олинган томон устидан назоратни қўлга киритиши усули. Бизнесни бирлаштириш ҳисоби усуллари. Компанияни баҳолаш усуллари. Сотиб олинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни бизнесни бирлаштириш, сотиб олиш кунидаги тан олинган суммалар. Бизнесни бирлаштиришд актив, мажбурият ва баҳоланган мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш. Сотиб жараёнида гудвиллни аниқлаш. Солиқ мақсадлари учун чегириб ташланадиган гудвилнинг умумий миқдори аниқлаш. Баҳоланган мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар ҳисоби. Сотиб олинган дебитор қарзларнинг ҳаққоний қиймати. Бизнесни сотиб олувчи томонидан молиявий ҳисоботда кўрсатиладиган ҳисобот даврида содир бўлган, ошкор қилинадиган маълумотлар. Кумулатив қаторлар усули ёрдамида дисконтланган ставкани ҳисоблаш. Мулкнинг функционал эскириш (амортизация) қийматларининг қисқача маълумоти. Компаниянинг соф активлари қийматини ҳисоблаш. Интеграциялашда иштирок этадиган компанияларнинг бозор қийматини баҳолаш. Сотиб олинганидан ёки қўшиб олингандан кейинги баланс. Қўшиб олишдан олдинги ва кейинги кўрсаткичларнинг қиймати. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаби бўйича бизнесни бирлаштириш жараёнининг молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим этиш.

19-МАВЗУ. МҲХС БЎЙИЧА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва активларни тан олиш ва уларни баҳолаш. Жорий ва кечиктирилган солиқни даромад ёки харажат сифатида тан олиш. Бизнес бирлашувидаги кечиктирилган солиқ ҳисоби. Бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда. Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари). Солиқ харажати (солиқ даромади). Жорий солиқ. Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари. Муддати узайтирилган солиқ активлари. Вақтинчалик фарқлар. Солиқ базаси. Жорий солиқ мажбуриятлари ва активларини тан олиш. Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва активларини тан олиш. Келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар. Солиқ активларини қайта кўриб чиқиш. Бизнес бирлашувида пайдо бўладиган муддати узайтирилган солиқ. Акцияларга асосланган тўловлар бўйича юзага келадиган жорий ва муддати узайтирилган солиқлар. Солиқ харажати ва маълумотларни очиқ бериш. Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш моҳияти ва зарурияти. Трансформацияга тайёргарлик кўриш. МҲХСга трансформация қилиш жараёни. Трансформация жараёнидан кейинги фаолият. Молиявий ҳисоботни МҲХС шаклига тўлиқ ўтказиш. Гиперинфляция ҳисоби бўйича жараён. Бошқа валюта ҳисоби талаблари бўйича жараёнлар. Тўлиқ конверсия. Босқичма-босқич конверсия. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тузатишлар сонини аниқлаш учун ҳисоботларни солиштиришга имкон берадиган ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш.

20-МАВЗУ. КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА УНИНГ ҲИСОБИ.

Юридик шахслар даромадлари (фойдаси)ни солиққа тортиш ҳисоби. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва унинг ҳисобини такомиллаштириш. Акциз солиғи, уни ҳисоблаш тартиби ва бухгалтерия ҳисобида акс этириш. Мулк солиғи ва уни такомиллаштириш муаммолари. Табиий бойликлардан фойдаланганлик солиғи муаммолари. Кичик бизнес корхоналари учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизими ва унинг ҳисобини такомиллаштириш. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш. Ягона ер солиғи ҳисоби муаммолари. Бошқа умумдават солиқлари ҳисоби соҳасидаги изланишлар. Бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини такомиллаштириш. Солиқ ва божхона имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобида акс этириш масалалари.

II БЎЛИМ. АУДИТ

1-МАВЗУ. РИВОЖЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АУДИТНИНГ РОЛИ.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудитнинг концептуал асослари. Назорат-иқтисодий бошқаришнинг зарурий қисми. Ўзбекистон Республикасида назорат тизими. Давлат назоратининг турлари. Молиявий назорат ва уни муаммолари. Давлат аудити ва унинг ташкилий асослари. Бозор иқтисодиёти шароитида аудитнинг ташкил этилиши ва унинг тутган ўрни, роли. Аудитнинг шаклланиш, ривожланиш тарихи ва уни ривожлантириш истиқболлари. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва унга шарҳлар. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун масъулиятни ошириш масалалари.

Аудитнинг мақсади ва унинг сегментлари. Ички ва ташқи аудит ҳақида тушунча, улар ўртасидаги тафовут ва ўхшашликларни таққослаш. Ички аудит тизими ва

тамойиллари. Ички аудитнинг аҳамияти ва зарурлиги, унинг бошқарув тизимининг бир қисми эканлиги. Ташқи аудит, унинг мақсади, вазифалари ва фаолият доираси. Ташқи аудит томонидан кўрсатиладиган турдош хизматлар ва уларни такомиллаштириш. Аудитнинг бошқа хусусиятлар бўйича туркумланиши, уларнинг тавсифи, мақсад ва вазифалари.

Аудит стандартларининг мақсади ва асосий тамойиллари. Халқаро аудит стандартларига қисқача таъриф. Халқаро аудит стандартлари (ХАС)ни ишлаб чиқиш зарурияти. Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари. Ички аудитни ўтказиш меъёр ва талаблари. Аудиторнинг касбий этикаси, унинг масъулияти ва жавобгарлиги бўйича изланишлар. Аудитор ва мижознинг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш.

Аудиторлик текширувини ташкил қилиш услубияти. Бошқарув назорати умумий тизимида ички аудитнинг ўрни. Ташқи аудиторнинг ички аудит билан алоқаси. Трансмиллий корпорацияларда ички аудитни ташкил қилиш муаммолари. Ташқи аудиторларнинг вазифалари. Аудиторлик текширув дастурларини ишлаб чиқиш тартиби. Текширув натижаларини баҳолаш тартиби. Аудит натижаларини бошқа текширув маълумотлари билан таққослашга доир изланишлар. Аудиторлик текширувининг сифатини назорат қилиш. Аудитни режалаштиришга қўйиладиган талаблар. Аудиторлик текширувларида фирибгарликни аниқлаш. Таҳлилий амаллар ва уларнинг турлари. Аудиторлик далилларини олиш манбалари, усуллари ва уларнинг функциялари. Аудиторлик текширувларида муҳимликни баҳолашни такомиллаштириш. Аудиторлик рисклари ва уларни гуруҳланиши. Танланма усуллари: статистик ва ностатистик тасодифий танлов муаммолари. Аудиторлик хулосаларига қўйиладиган талаблар. Аудиторлик текширув маълумотларининг ишончлигини аниқлаш. Аудит жараёнида аниқланган камчиликларга тегишли тавсиялар бериш. Аудиторлик хулосаларни расмийлаштириш. Аудиторлик ҳисоботларини расмийлаштириш тартиби.

Умумий аудит ўтказиш услубиёти Аудит ўтказишни ташкил қилиш ва унинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш. Назорат тестлари ва сотиш устидан назорат жараёнларини такомиллаштириш. Сотиш ва даромад олиш жараёнини аудит қилиш тартиби. Пул маблағларининг аудити: касса, банкдаги пул маблағлари, ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар аудити. Сотиб олиш цикли аудитини такомиллаштириш. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити. Ишлаб чиқариш, сотилган маҳсулот таннархи ва моддий заҳиралар қолдиқлари жараёнининг аудити муаммолари. Маҳсулотлар таннархини пасайтиришни имкониятларини аниқлаш ва аудиторлик ҳисоботларида акс эттириш тартиби. Узоқ муддатли активлар аудити бўйича изланишлар. Мажбуриятлар ва хусусий капитал аудитини такомиллаштириш. Бошқарув аудити ва унинг асосий босқичлари. Молиявий натижалар ва фойданинг ишлатилиши аудити. Ҳисоблашишлар ва кредит операциялари аудити. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоблашишлар аудити масалалари. Меҳнат ва иш ҳақи фондининг аудити муаммолари. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муомалаларнинг аудитини такомиллаштириш.

2-МАВЗУ. БАНК АУДИТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Банкларда ташқи аудитни халқаро аудит стандартлар (ХАС)га мувофиқ ўтказиш тартиби. Банк фаолияти аудитининг асосий нормалари, стандартлари ва ўтказиш тартиби. Банк аудитининг ҳуқуқий асослари. Ички ва ташқи банк аудити. Ташқи банк аудитининг мақсади ва фаолият доираси. Молиявий ҳисобот таҳлилига умумий тавсифнома. Молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ташқи аудит томонидан тасдиқлаш тартиби. Банк аудити концепциясини такомиллаштириш. Ҳалқаро аудит стандартларининг таркиби ва банк

аудитида қўлланилиши. Тижорат банкларида ички банк аудитининг хусусиятлари. Кредит фаолиятининг аудити. Кредит ва қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолиятини назорат қилиш йўллари. Тижорат банкларида асосий воситалар, материаллар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва номоддий активлар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш. Чет эл инвестициясини жалб этилишининг аудити. Қимматли қоғозлар бўйича операциялар аудити. Касса операцияларининг аудити. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари аудити. Солиқ ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоблаштишлар аудити. Валюта назорати ва валюта билан тартибга солишни ташкил қилишнинг аудити. Кредит ташкилотлари аудити. Тижорат банкларида ички банк операцияларининг аудити. Тижорат банкларининг халқаро бозорларда амалга оширган операцияларининг аудити. Тижорат банкларининг ташқи мажбуриятларини аудит қилишдаги муаммолар. Тижорат банкларида ички аудит фаолияти қўламини кенгайтириш масалалари. Тижорат банкларининг капитали етарлилигини аудит қилиш тартибини такомиллаштириш.

3-МАВЗУ. НОИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Товар ва фонд биржалари аудиторлик текширувларининг хусусиятлари. Инвестицион институтлар фаолияти аудитининг хусусиятлари. Пенсия фонди, жамоат фондлари ва бошқа фондлар аудиторлик текшируви тартиби. Суғурта компаниялари фаолиятини аудитни қилишни ташкилий масалалари. Марказлашган ва хориж манбалари ҳисобига амалга ошириладиган инвестициялар аудити. Операцион аудит, экологик аудит ва технологик аудитни ривожлантириш муаммолари. Технологик аудит инновацион фаолиятнинг методи.

